



# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 28-yanvar. Seshanba • 13 (31.760)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

**ЎзХДП: устувор вазифалар**

Давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

**Эътироф:**

## ПАРТИЯ ПОЗИЦИЯСИ

электорат манфаати ҳимоясига хизмат қилиши лозим



Одатда ҳар қандай тадбир аввалида иштирокчиларга муҳокама қилинадиган мавзу ҳақида маълумот берилади. ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бу галги амалий семинар дастурдан Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда ЎзХДПнинг иштироки» мавзуси ўрин олган эди. Қатнашчиларнинг деярли барчаси семинарга ўз фикри, таклифи билан келди...

► Давоми 2-бетда.

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

хавфсиз, ишончли, келажаги порлоқ...

Президентимизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинганига 22 йил тўлди.

Мамакатимизда ягона авиация тизими асос солган ушбу муҳим ҳужжат ўтган давр мобайнида миллий авиакомпания авиопаркини янгилаш, барча инфратузилмаларни модернизация қилиш, соҳага техник ва технологик янгиликларни жорий этиш борасидаги кенг миқёсдаги дастурларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилди.

Авиопарк хорижда ишлаб чиқарилган замонавий авиалайнерлар билан босқичма-босқич тўлдирилмоқда. Сунги уч йил ичида ўн та «А320» ҳамда тўртта «Boeing-767-300ER» ҳаво кемаси келирилди. Шунингдек, юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий «Ил-114-100» самолётларидан ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда.

2013 йилда халқаро мақомага эга бўлган барча ҳаво масканларида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар ва авиация техникасига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. «Тошкент» аэропортида соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатувчи янги маҳаллий қатновлар аэровокзали курилди. Халқаро авиаташувлар терминалида эса йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган янги блок фойдаланишга топширилди.

Авиокомпаниянинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари, иш унумдорлиги йил сайин ўсиб бормоқда. Ўтган йил сарҳисобига кўра, қарийб 25 минг қатнов амалга оширилиб, 2 млн. 677 минг 495 нафар йўловчига хизмат кўрсатилган. Юк ташувлари кўрсаткичи эса 41 минг тоннани ташкил этди.

Авиокомпания хавфсизлик соҳасидаги ютуқлари учун Парвозлар хавфсизлиги халқаро фонди ва «Парвозлар хавфсизлиги» ноτιжорат ташкилоти томонидан мукофотланди ҳамда хавфсиз ва ишончилигини тасдиқловчи IOSA аудитларидан муваффақиятли ўтди.

Эътироф этиш жоизки, МАК тақдим этилаётган хизматлари сифати бўйича дунёнинг муваффақиятли авиакомпаниялари рўйхатидан жой олди.

Фуқаро авиацияси модернизацияси ва ривожланиш йўли давом этмоқда. Мамакатимиз раҳбарияти томонидан мазкур соҳага кўрсатилган доимий эътибор истикболда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» нуфузининг ортиши ва юртимизнинг халқаро авиация майдонидидаги ўрни янада мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Миллий авиакомпаниямиз жамоаси Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (IATA)нинг Ўзбекистон 2017 йилда тижорий авиаташувлар индустрияси борасида жадал суратларда ривожланаётган авиабозорга айланади, деган юксак эътирофига сазовор бўлди.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

**ЎзХДП маҳаллий кенгашларида**

## Муаммолар ҳал этилиши

партияга ишончни оширади

— Маҳалламизда икки мингдан ортиқ аҳоли яшайди, — дейди Сурхондарё вилояти Жаркўрғон туманидаги Оқкўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи Бобомурод Чориев.

— Кўп йиллардан бундан деҳқончилик қилиш учун сув етишмасди. Бу масала бўйича ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдик. Партия фаоллари, депутатлар муаммонинг сабабларини ўрганишди, уни ҳал этиш юзасидан биз билан маслаҳатлашди, тегишли идораларга мурожаат этишди. Энг муҳими эса, масала ҳал қилинмагунча елиб-югуришди. Уларнинг шу саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йил баҳорда «Оқкўрғон 6-1» зовурининг 1,5 километри таъмирланадиган бўлди. Бу 250 дан ортиқ хонадон томорқаси, «Эски кўрғон» ва «Нурли келажак» фермер ҳўжаликлари ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланади, ҳосилдорлик, фаровонлик ортади, дегандир.

► Давоми 2-бетда.

**ЎзХДП электорат манфаати**

Мамакатимизда жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар таълим-тарбиясига, уларни касбга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

имконияти чекланган болалар ҳаётда ўз ўринларини топишига ёрдам беради

Бугун Меҳрибонлик уйлари, маҳсус мактаблар, мактаб-интернатлар фаолияти, улардаги ўқув жараёнлари замон талаблари даражасида ташкил этилмоқда. Буни Қарши шаҳридаги 33-жисмоний имконияти чекланган болалар

учун ихтисослаштирилган интернат мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактабда 250 нафарга яқин ўқувчига 88 нафар педагог таълим ва тарбия бериб келмоқда. Бу ерда ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болалар на-

фақат ўқишади, шу билан бирга, саломатлигини ҳам тиклайди. Шунингдек, уларнинг жамиятга интеграциялашуви алоҳида эътибор қаратилади.

► Давоми 2-бетда.



## ДАВР БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети «Фаоллар мактаби — 2014» иштирокчиларининг шиори шундай.

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Партия ташкилоти билан депутатлик гуруҳи**

ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади



www.uzbekistonovozi.uz

**Нуқтаи назар**

Электорат муаммоларини ўрганишнинг йўллари кўп. Одатда партия ташкилотлари ва депутатларга берилаётган аризалар, бошланғич партия ташкилотлари таклифлари орқали жойларда одамларни ташвишга солаётган масалалар ўрганилади. Аммо бу борада ЎзХДПнинг имкониятлари бошқасий партияларга нисбатан анча катта.

Саидислом САЙДУЛЛАЕВ,

халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Биринчидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида энг кўп депутатлик ўринларига бизнинг партиямиз эга. Маҳаллий Кенгашларнинг қарийб 2500 нафар депутати бу — жуда катта куч, жуда катта имконият, дегани, албатта. Депутатларимизга ҳар кун кўпайиб сайловчилар турли масалалар бўйича мурожаат этади. Иккинчидан, маҳаллий партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳолини ташвишга солаётган масалаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2013 йилда бу қабулхоналарга 11 мингдан ортиқ фуқаро мурожаат этди. Албатта, кўтарилаётган масалаларнинг аксарияти давлат идоралари, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ҳал этилаётти. Аммо бизнинг фаолиятимизда тизимли таҳлил етишмаяпти. Шунинг учун ҳам ҳар бир туман, шаҳар бўйича Жамоатчилик қабулхоналарига ҳамда депутатларимизга тушган мурожаатларни умумлаштириб, таҳлил этиб бориш тизimini йўлга қўйиш керак. Ҳозир биз нима қилаёмиз? Тўғри, ҳар бир мурожаатга эътибор қаратаёмиз, уларнинг аксариятида кўтарилган масалалар ҳал бўлаяпти. Шундан сўнг навбатдаги масала билан шуғулланиб кетилаверди. Мурожаатлар мавзуси ҳар доим ҳам таҳлил этилмайди. Фикримча, таҳлилий ишларни изчил йўлга қўйиш ва натижалар



ри вақти-вақти билан партия кенгашларининг ижроия кўмиталари ҳамда депутатлик гуруҳларининг кўшма йиғилишларида муҳокама этиб борилиши зарур. Туман даражасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни депутатлик гуруҳи кўшимча равишда чуқур ўрганиб, халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари, сессиялари муҳокамасига киритиб бориш яхши самара беради, деб ҳисоблайман. Қўнунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳал этилиши керак, деб топилган масалалар юзасидан тегишли таклифлар партиянинг Марказий Кенгашига, Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги партиямиз фракциясига юборилиши зарур.

Ана шунда муаммолар илдиэи билан баргараф этилади, бундан электорат, жамият кўпроқ манфаатдор бўлади.



**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:**

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Амударё туман кенгашида электорат манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ва минтақавий ташкилотлар ҳамкорлигини янада кучайтиришга бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

ЎзХДП: устувор вазибалар

Давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

# ПАРТИЯ ПОЗИЦИЯСИ

электротар манфаати ҳимоясига хизмат қилиши лозим

Семинарда дастлаб мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳақида турмуш фаровонлигини таъминлашда юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Бир мисол. 2013 йилда аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошган, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар 20,8 фоизга кўпайган. Айни вақтда юртимизда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилиб, давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бу жорий йилда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилиши кўрсатилади, албатта.

ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда фаоллар бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлар олдига турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратишди.

**Ҳотамжон КЕТМОНОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси:

— Президентимиз маърузасида билдирилган фикрлар фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлилий ўрганиб, тегишли хулосалар чиқаришни тақозо қилапти. Аввало, мамлакат ҳаётидаги турли ижтимоий масалалар юзасидан партияимиз ўзининг аниқ позициясини намояндалаштириши зарур.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида энг долзарб масалалардан бири бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йили қарийб 970 минг киши иш билан таъминланганини катта мамнуният билан қайд этди. Шунингдек, касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш жойига эга бўлгани, парламент тасдиқлаган Дастурга мувофиқ, 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилаётгани алоҳида қайд этилди.

Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимизни ислохот этиши ва сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш — демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланмоғи зарурлиги таъкидланган эди.

Демак, давр талабидан келиб

← Давом. Боши 1-бетда.



**Президентимиз маърузасида билдирилган фикрлар фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлилий ўрганиб, тегишли хулосалар чиқаришни тақозо қилапти. Аввало, мамлакат ҳаётидаги турли ижтимоий масалалар юзасидан партияимиз ўзининг аниқ позициясини намояндалаштириши зарур.**

чиқиб, биз аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш жойига эга бўлгани, парламент тасдиқлаган Дастурга мувофиқ, 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилаётгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, юртимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳудудларда замонавий инфратузилmani тараққий эттириш, уй-жойлар



қуриш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислохот этиши ва таъминлаштиришда партияимиз иштирокини янада ошириш керак.

Президентимиз 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш йили бўлади, деб қатъий ишонч билан таъкидлади. Демак, мамлакатимиз янада тараққий этиши, ижтимоий ислохотлар изчиллик билан давом этиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояси мустақамлашни боришида партияимизнинг алоҳида ўрни бўлиши зарур. Бунинг учун партия ташкилотлари ва депутатлар гуруҳлари ташаббусларини ривожлантириш бўйича амалий харажатларнинг минтақавий режаларини қўриб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилади.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари маърузасида таъкидланганидек, 2014 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга катта эътибор қаратилади. Бу партияимиз электротарти манфаатларига бевосита алоқадор бўлгани боис фракцияимиз аъзолари олдига ҳам катта вазифалар қўяди.

Аввало, қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш амалиётини янада такомиллаштириш, уларга ўз тақлифларимизни киритишда партияимиз электротартининг фикри, эҳтиёжларини ҳар томонлама ҳисобга олиш бўйича тадбирларни янада такомиллаштириш талаб этилади. Шунингдек, жойларда ижтимоий ҳимоя борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан ҳамкорликни янада мустақамлаш лозим, деб ўйлайман.

**Фахриддин РАҲАБОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Юртимизда мунособ ҳаёт кечирishi имконини берадиган, ижтимоий ҳимояга асосланган қарорли тизим яратилган. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб, мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юкллади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳужалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларини 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилиши, 2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси бўйича мониторинг олиб боришимиз, битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳолати ва истиқболда бу ишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлари ва тегишли вазирларнинг ҳисоботини эшитишни изчил йўлга қўйиш талаб этилади. Бу жараёнда биз қонунлар, давлат дастурларининг тўлиқ ижросини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшиш билан бирга, партияимиз олдига турган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этган бўлишимиз.

**Сотиболди БОБОҚУЛОВ,**  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:  
— Аввало, эришган муайян

ютуқларимиздан хотиржамликка берилмай, ўз фаолиятимизга танқидий ёндашишимиз талаб этилади. Партияимизнинг ташкилий тузилмаси ва салоҳиятидан электротарти манфаатларини ҳимоя қилишда янада самаралироқ фойдаланишимиз лозим.

Жорий йилда олдимизда турган вазифалардан келиб чиқиб, партияимиз ўзини оқлаган, мақсадли ижтимоий аҳамиятга эга тадбирларни ўтказиш амалиётини янги мазмун билан бойитиши керак, деб ўйлайман. Хусусан, ҳудудий инвестиция ва маҳаллий ресурслар ҳисобига кўшимча лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақлифларни шакллантириш, оналар ва болалар салооматлигини асрашга қаратилган ишларни кучайтириш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалаларида янада фаол бўлишимиз, энг муҳими, ўз позициямизни кўрсатишимиз талаб этилади.

Электротарти манфаати ифода этилган масалалар, авваламбор, партияимизнинг бошланғич ташкилотларида, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида, шундан сўнг уларнинг ташаббуси билан доимий комиссиялар мажлислари, сессияларда муҳокама қилинади, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳаётий тақлифлар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Амалий семинар дастурини ўзин олдига мавзу бўйича бошқа депутатлар ва партия фаоллари ҳам ўз тақлифларини билдиришиди. Мазкур тақлифлар партия ташкилотлари ва депутатлар олдидagi вазифаларни самарали амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишга асос бўлди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Бўлажак депутатлар ёш сиёсатчилар орасидан етиштириб чиқади. Шунинг учун ҳам партияимиз «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз аъзолари, етакчиларининг билими ва салоҳиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

## «Биз депутат бўламиз!»

дея қатъий таъкидлашмоқда ёш етакчилар

Қанотнинг Андижон вилоят бўлими ташаббуси билан Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» халқаро бизнес марказида ўтказилган «Етакчиларнинг сиёсий ва касбий салоҳиятини ошириш» мавзусидаги семинар-тренинг ҳам шу мақсадга қаратилди. Унда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, етакчилари иштирок этди.

Тадбирда қанотнинг ташкилий тизимини мустақамлаш, етакчи ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда илғор сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Бугунги кунда вилоятда ЎзХДП аъзолари 26 минг нафарни ташкил этади. Шунинг билан таъкидлаш керакки, уларнинг 40 фоизи ёшлардир. Улар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишида қанотнинг ўрни катта, албатта. Айниқса, етакчиларнинг

сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини янада ошириш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш — долзарб вазифа.

Семинарда сўзга чиққанлар шунлар ҳақида батафсил сўз юритишди, мавзу юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришди.

Тренинг давомида қанот фаолиятини кучайтириш бўйича ибратли тажрибалар билан танишдиқ, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Улуғнов туман бўлими етакчиси Нарғиза ЖАЛОЛОВА. — Энди уларни ўз ишимизда қўллаб, қанот аъзоларини тарғиб этишда илғор бўлишига эътиборни кучайтириш керак, қанот саволларга жавоб олдик. Бу депутат бўлишни ният қилган биз каби ёшларга жуда фойдали бўлди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

## Муаммолар ҳал этилиши

партияга ишончни оширади

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва тегишли идоралар ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган 21 нафар депутат фаол иштирок этмоқда. Уларнинг амалий ишлари натижасида мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилаётган.

Энг муҳими, Жамоатчилик қабулхоналари жойларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганишнинг муҳим воситасига айланди.

Туманимиздаги транспорт ва алоқа касб-хунар коллежини тамомлашди, — дейди **Нигора Қаймова**. — Маҳаллаимиз туман марказидан 25 километр узоқда жойлашган. Очиги, туман марказига ҳар кун ишга қатнашга қийналдим. ЎзХДП Жарқўрган туман кенгаши ташкил этган кўма Жамоатчилик қабулхонасига ўзим яшайдиган ҳудуддан иш топишга кўмаклашишни сўраб мурожаат қилдим. Одамларни ишга жойлаштириш партиянинг бевосита вазифаси эмаслигини яхши билмаман. Аммо партия етакчилари, депутатларда ҳудудда қандай янги корхона, иншоот ишга тушаётгани, режалар ҳақида маълумот бўлади. Баъзан ўз вақтида ахборотга эга бўлиш ҳам кишининг тақдирини ўзгартириб юборади. Мана, Жамоатчилик қабулхонаси орқали қўрсатилган амалий ёрдам тўғрисида хусусий корхонага, ўзим учун қўлай бўлган ишга жойлашдим.

Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти билан боғлиқ бу каби мисоллар оз эмас. Одамлар турли масалаларда мурожаат қилади. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳаммага ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинапти. Айриларга эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда.

— Зиммамиздаги асосий муаммоларни ҳал этилиши эса партияга одамлар ишончини оширишда.

Бир сўз билан айтганда, Жамоатчилик қабулхонаси партияни аҳоли билан боғловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, ҳар бир маҳаллий партия ташкилоти, халқ депутатларини маҳаллий Кенгашларини депутатлик гуруҳларини одамларни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиш, электротарти манфаатларини ҳимоя қилишда унинг имкониятларидан янада самарали фойдаланиш чорасини кўрмоғи лозим.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

← Давом. Боши 1-бетда.

ЎзХДП электротарти манфаати

## ЭЪТИБОР ВА ҲАМҲЎРЛИК

имконияти чекланган болалар ҳаётда ўз ўринларини топишига ёрдам беради

— Ўқувчиларнинг руҳий ва жисмоний имкониятларидан келиб чиқиб, ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашамиз, — дейди **интернат директори Максуда Холмирова**. — Бунинг учун, энг аввало, уларга бирор бир касб ўргатамиз. Чунки, муайян хунарни эгаллаган, ўзини моддий жиҳатдан таъминлай олган киши жамиятдан узилиб қолмайди. Бизда қизлар бичиш-тиқиш, зардўзлик, ўғил болалар эса дурадгорлик, этиқдўзлик каби хунарни ўрганишди. Шунингдек, биз ўқувчиларнинг маълумоти ошириш, замонавий педагогик технологияларни ўзлаштиришга ҳам жиддий эътибор бераёلمиз. Яқинда 13 нафар ўқувчимиз Низомий номидаги педагогика

университетда дефектология йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсларида ўқиб қайтди.

Мақтабда 16 фан тўғраги фаолият юритилади. Режа асосида доимо фан ойлари ўтказилади, очик дарслар ташкил этилади. Айниқса, тарих фани ўқитувчиси Қобил Ўбайдуллаев, математика фани ўқитувчиси Гулнора Курбанова очик дарсларни ноанъанавий, ўқувчилар психологиясига мос тарзда соддалаштирилган ва қизиқарли тарзда олиб бориши яхши самара бермоқда.

— Биздаги болаларни умумтаълим шароитида ўқитишда уларнинг психологик, шахс хусусиятлари, ногиронлиги даражаси алоҳида эътиборга олинади, — дейди **маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Элнур Эгамов**. — Бизда дарслар шунга

мувофиқ режалаштирилади. Шунингдек, уларнинг ногиронлиги ўқитишга қандай таъсир қилганини ўрганиб, буни бартараф этишнинг услубий йўлларидан фойдаланилади. Бунда мақтаб ва оила ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Шу боис яқна тартибда уйда ўқитилаётган 79 нафар бола учун ҳам алоҳида дарс жадваллари тузилган. Биз ота-оналар, педагоглар, психологлар ва маҳалла фаоллари учун психологик-педагогик тавсиялар ишлаб чиққанмиз.

— Шаҳримиздаги партияимиз электротарти манфаатлари билан боғлиқ масалалар жиддий эътиборимизда, — дейди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Рашид Муртазов**. — Хусусан, имконияти чекланган бо-



лалар учун махсус мақтаб интернати билан доимий ҳамкорлик қиламиз. Педагоглар жамоаси, ота-оналар ва партияимиз фаоллари учрашувларини ташкил этиб тураемиз. Уларнинг фикр-мулоҳазалари асосида айрим масалаларни ўрганаёلمиз. Айни кунда депутатлик гуруҳимиз билан Қарши шаҳрида имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши ва яшаш шароитларини

ўрганиб, таҳлил этаёلمиз. Бу масалани депутатлик гуруҳимизда кўргач, доимий комиссия ва сессия муҳокамасига киритишни режалаштирганмиз.

Жамият ёрдамига эҳтиёжманд бундай болаларга меҳр кўрсатиш, улар ҳаётда ўз ўринини топишларига кўмаклашиш партияимизнинг дастурий мақсадларидандир.

**Нурали ОРИПОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

#### МУНОСАБАТ

**Мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланаётгани ва мустақамланиб бораётгани, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликнинг мустақамлиги Ўзбекистоннинг энг катта муваффақияти ҳисобланади.**

## Ўзбекистон иқтисодининг ривожланиш истиқболлари

халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўз акс-садосини бермоқда. Куйида ушбу маъруза юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалардан айримлари эътиборингизга ҳавола қилинади.

#### Дато Редзуан Кушайри, Халқаро сиёсат тадқиқот маркази директорининг ўринбосари:

— Президент Ислам Каримовнинг мазкур маърузасида ўзбек иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари чуқур таҳлил этилган. Тараққиётнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётгани Ўзбекистон томонидан мамлакат иқтисодиёти ни либераллаштириш ҳамда модернизациялаш, унинг тизимларини диверсификациялаш юзасидан вазмин, ҳар томонлама ва пухта ўйланган, узоқ муддатли истиқболни кўзлаган сиёсат олиб борилаётгани натижасидир.

Хорижий сармоялар учун қулай шароитлар яратилгани, ички бозор ҳимояси, миллий иқтисодиёт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ жойларда инфратузилма ривожланаётгани, энергия манбаларидан самарали фойдаланилаётгани иқтисодиёт барқарор тараққиётини таъминлашга кўмаклашаётган омиллар сирасига қиради.

Мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланаётгани ва мустақамланиб бораётгани, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликнинг мустақамлиги Ўзбекистоннинг энг катта муваффақияти ҳисобланади, бу ҳам 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муваффақият билан амалга оширилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишига шубҳа йўқ.

#### Джозеф Адайқалам, Binar Менежмент ва тадбиркорлик университети ижрочи раиси:

— Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилгани натижасида макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Иқтисодиёт тизимларини тубдан ўзгартириш бўйича узоқ муддатли вазифалар ҳал этилиши, модернизациялаш ҳамда диверсификациялашнинг ижобий ўзгаришлари таъминланмоқда.

Янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишининг таъминлангани бу йўналишдаги энг муҳим муваффақиятлардан бири ҳисобланади.

Таълим тизимидаги ислохотлар кишида алоҳида таассурот қолдиради. Уқитиш даражаси ҳамда сифа-

тини оширишга йўналтирилган таълим меъёрлари ва дастурларнинг тақомиллаштирилгани, янги мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртининг барпо этилгани ҳамда уларнинг моддий-техникавий базаси мустақамлангани катта эътиборга сазовордир.

2014 йил Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган аҳолининг турмуш кечириш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу ўсиб келаётган авлод учун, унинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ривожланиши учун кўрсатилаётган гамжурлик тасдиғидир.

#### Тан Сри Хью Сунг, Малайзия Уюшган хитой савдо-саноат палатаси ижрочи котиби:

— Ўзбекистоннинг сўнгги йиллар давомидаги иқтисодий тараққиёти натижалари энг юксак баҳога муносибдир. Саноатни модернизациялашга ҳамда ишлаб чиқаришга юқори технологияларни қўллашга йўналтирилган чора-тадбирлар хорижий сармоядорларни мамлакат ҳудудидаги лойиҳалар учун маблағ киритишга рағбатлантираётган бош омил ҳисобланади.

Малайзия Уюшган хитой савдо-саноат палатаси қўшма сармоявий лойиҳалар имкониятларини муҳокама қилиш ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан шериклик муносабатларини ўрнатish мақсадида Ўзбекистонга Малайзиянинг қатор компаниялари вакилларида иборат делегацияни юборишни мўлжалламоқда.

«Жаҳон» АА  
Куала-Лумпур

Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд этилган улкан ютуқлар, халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлида амалга оширилаётган тарихий ишлар ҳар бир юртдошимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди, албатта. Бу йил ҳам давлат бюджетининг салмоқли қисми ижтимоий соҳага йўналтирилиши юртимиз янада обод, турмушимиз фаровон бўлишидан далолатдир.

## Бош мақсад – инсон омили

Маълумки, ижтимоий соҳани ривожлантириш, авваламбор иш жойларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уй-жойлар қуриш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этишга қаратилган тадбирлар билан бевосита боғлиқ.

Сўнгги йиллар давомида аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич — 24 фоизни, айни пайтда эса ушбу секторда умумий иш билан банд аҳоли 20 фоизни ташкил этмоқда.

Экспертларнинг таҳлилларига кўра, соҳалар кесимида ҳам ижобий тенденциялар кузатишмоқда: агар 1990-йилларда қишлоқ хўжалиги банд бўлганлар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 27 фоизга тушди. Бунга мутаносиб равишда хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан қарийб 51 фоизга етди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларнинг ўрни ҳам анча салмоқлидир. Фақат сўнгги 5 йил ичида мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида

қарийб 4,2 миллион янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Бундан ташқари, аҳолининг бандлик даражаси ва даромадлари, унинг ҳаёт даражасини ошириш, меҳнат бозорида ишчи қучига бўлган талабни тўлақонли қондириш борасида ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд салоҳиятлар самарали фой-



#### Дарҳақиқат, 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланган. Масаланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, 60,3 фоиздан орტიқ иш ўринлари қишлоқ жойларида очилган.

даланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан ҳар йили давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич — 24 фоизни, айни пайтда эса ушбу секторда умумий иш билан банд аҳоли 20 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланган. Масаланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, 60,3 фоиздан орტიқ иш ўринлари қишлоқ жойларида очилган. Шунингдек, бу борада асосий эътибор касб-хунар коллежлари битирувчиларига қаратилган ҳам эътиборга сазовордир.

Жорий йилда касб-хунар коллежларининг 500 минг нафар битирувчиси мустақил ҳаётга кириб келиши кутилмоқда. Ана шу биргина рақамнинг ўзи барча мутаасаддилар зиммасига катта масъулият юклайди. Унутмаслик керакки, ишли одам эртанги кунга ишонч билан қарайди. Ҳа, оила-си, юрти тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Обиддин МАҲМУДОВ



## Бир кунда



#### битта олма

Кунлик овқатланиш рақибини қўшимча сифатида кунига битта олма истеъмол қилиш инфаркт ва инсульт хавфини сезиларли даражада камайтиради экан.

Оксфорд университети олимлари ўтказган тадқиқот натижалари бунини тасдиқлади. Олимлар ўз хулосаларини «British Medical Journal» нашрида эълон қилди.

Гап шундаки, тадқиқотчилар ҳисоб-китобига кўра, бугунги кунда Буюк Британияда қон таркибидаги холестерин даражасини тушириш учун 5,2 миллион киши дори воситаларини қабул қилади. Ва бу ўз навбатида йилга 9,4 минг кишини инфаркт ёки инсультга чалинишдан асраб қолади.

Олимлар кунига битта олма истеъмол қилишнинг фойдаси ҳам бундан кам бўлмаслигини илмий исботладилар. Яъни, кунига олма истеъмол қилиши юрак-қон-томир хастали-

гидан нобуд бўлиш даражасини йилга 8,5 мингтага камайтиради.

Кўриниб турибдики, дори билан олманинг фойдаси ўртасида бироз фарқ бор. Бироқ олимлар таъкидлашмоқдаки, дори воситаларининг ҳустеърин даражасини тушириши баробарида бир қанча зарарли жиҳатлари ҳам бор. Яъни, миопатия ва қандли диабет ривожланишини келтириб чиқаради.

Олмада эса бундай хусусият йўқ. Айниқса, 50 ёшдан ошганлар дастурхониде мева-чеванинг бўлиши уларга фақат фойда келтиради.

Дарвоқе, ана бир гап. Помидор томати, саримсоқ, пиёз, маккажўхори уни аралашмасидан тайёрланган томат қайласи ҳам юрак-қон-томир хасталиқларига чалинишнинг олдини оларкан.

Барселона университети олимлари бу борадаги тадқиқот натижаларини «The Daily Mail» газетасида чоп этди.

Уларнинг таъкидлашларича, қайлада 40 га яқин антиоксидантлар — полифеноллар аралашмасининг мавжудлиги унинг фойдали хусусиятини ошираркан.

## Энг катта чақалоқ



Калифорниянинг «Desert Valley Hospital» шифохонасида 28 ёшли Ванесса Сервантес фарзанди бўлди. Қизикarli жиҳати шундаки, чақалоқ 6 килою 860 граммлик тош босди. Бўйи эса деярли 61 сантиметр. У жаррохлик операцияси ёрдамида дунёга келди.

«Victorville Daily Press» газетаси хабарига қараганда, у жорий йилда АКШда туғилган энг катта чақалоқ сифатида рўйхатга олинган. Эндрю Жэйкоб (унга

шундай исм беришди) Ванессанинг учинчи фарзанди. Аввалги икки фарзанди ҳам меъёрдан ортиқча вазнда туғилган.

АКШда ўтган йили ҳам улкан чақалоқ дунё юзини кўрган. У Юта штатида бўлиб, оғирлиги 6 килою 350 граммга тенг бўлган.

Бироқ «Гиннеснинг рекордлари китоби»га киритилган канадалик Анна Бэйтснинг 1879 йили туғилган 10,5 килолик фарзандини ўзиб кетадигани ҳали дунё юзини кўрмади. Бироқ бу чақалоқ 11 соат яшаган холос.

Унинг бундай тез катталашиб кетишига сабаб, онасининг қандли диабет билан оғришдир. Глюкозанинг она қонидан хомилта ҳаддан зиёд кўп ўтиши чақалоқни катталаштириб юборган.

## Озишни хоҳласангиз



#### оқ идишда овқатланинг

Америкалик олимлар галати тажриба ўтказишди, дея хабар беради «Аргументы и факты» хафтаномаси.

Тажрибанинг мақсади ранги турлича бўлган идишларда овқатланиш улар иштаҳасига қандай таъсир қилишини аниқ-

лашдан иборат бўлди. Ва тажрибада қатнашгани истаган бир гуруҳ кўнгиллига рангсиз, оқ чинни ликопчада, яна бир гуруҳи қизил рангли, бошқаси эса яшил рангли ликопчаларда истаган овқатини истеъмол қилишлари сўралди.

Бу тажриба бир неча бор янги-янги кўнгиллилар орасида синовдан ўтказилди.

Натижа шу бўлдики, оқ рангли чиннида овқат истеъмол қилганлар бошқа гуруҳдагиларга қараганда 30 фоиз кам овқатланган. Демак, олимлар хулоса қилишдики, кимки озишни истага рангсиз идишда овқатланмоқчи бўлса, бу зарарсиз озиш усулларидан биридир.



## Мобиль тўловлар

вақтни тежайди, қулай ва ишончли

Кундалик ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур эта олмаймиз. Улар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келиб, одамлар манфаатига хизмат қилмоқда.

Мобиль телефонларнинг қандай афзаллиги ва қулайликларга эга эканлигини бугун барчамиз яхши биламиз. Ундан нафақат алоқа воситаси, фото камера, овоз эзиб олиш ёки MP-3 жиҳози, қолаверса, бугун тўлов воситаси сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Бундан кўпчилик ҳозирча беҳабар бўлиши мумкин. Аммо «SMS — TO'LOV» тизими ишлаб чиқилиб, нақдсиз тўловларни телефон воситаси ёки интернет, шунингдек, SMS орқали амалга ошириш имконияти яратилди. Бу янги ва қулай бўлган тизим тўғрисида ўқувчиларимизга тўлароқ маълумот бериш мақсадида ушбу тизимни амалиётга жорий этишга масъул бўлган **Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг «Call-center» маслаҳат маркази етакчи мутахассиси Алишер Саломовга** мурожаат қилдик.

— «SMS — TO'LOV» тизими орқали турли хил товар ва хизмат турлари учун электрон тўловни амалга ошира оласиз. Бунинг учун сиз «SMS — TO'LOV» тизимида рўйхатдан ўтишингиз ёки ўзингизнинг телефонингизга мавжуд мобиль дастурни ўрнатилишингиз лозим. Шундан кейин сизнинг мобиль телефонингиз банкдан олган пластик кар-

точканинг ҳисоб-рақамига уланади. «SMS — TO'LOV» пуллик хизматидан фойдаланувчилар куйидагича рўйхатдан ўтади. Банкда «СМС Информированья» (SMS XabarToma) хизматига шахсий UZKARD ёки онлайн пластик картчаси орқали уланади ҳамда карталар яқиндаги банкوماتлар орқали мижознинг телефон рақамига боғланади. Шундан сўнг фойдаланувчи билан кўрсатиладиган хизмат юзасидан

Эндиликда харид учун савдо шохобчаси, «Минимаркет» ёки «Супермаркет»ларга пластик картчакани олиб боришининг ҳождати қолмади. Чунки «SMS — TO'LOV» мобиль дастурини ўзингизнинг мобиль телефонингизга ўрнатсангиз бас, бемалол харидни амалга ошириш мумкин.

унинг розилигига кўра, кейинги ишларни амалга ошириш учун шартнома тузилади.

Жумладан, «SMS — TO'LOV» мобиль дастурини ўзингизнинг мобиль телефонингизга [www.smst.uz](http://www.smst.uz) расмий сайтидан ёки [google play market](http://google play market) (android учун) ва [appstore](http://appstore) (iphone учун) каби расмий манбалар орқали ҳам юклаб олиш имконияти мавжуд. Мобиль дастур ўрнатилган кейин, логин ва парол киритилиб, яъни (олинган «sms» орқали) умумий тақлифнинг якуловчи қарорини олиш учун эса «Я приимаю» (Ҳаммага тушунарли бўлиши учун ҳозирча рус тилида ёзилмоқда) командасини танлаш лозим. Шу вақтнинг ўзида электрон рақамли имзонинг қалити сизнинг телефонингизда пайдо бўлади, у телефон экранида кўриниши учун «Далее» тугмаси босилади. Бундан кейин, серверда мижоз телефонидан рўйхатга олиш ҳақида «sms» ёки фойдаланиш учун тайёр дастур олинди ва бош менюдан «настройкага» кирилиб, «профелдан» «kard» деб аталган жойга пластик картчакангизнинг рақамини киритасиз. Сўнгра «сохранит» тугмаси босилади ва шундан сўнг ундан бемалол фойдаланиш мумкин.

— «SMS — TO'LOV» хизматидан аҳоли савдо-сотик ишларида ҳам фойдаланиши мумкинми?

— Ҳозирда банк томонидан берилган пластик картчакани олиб харидни барчамиз амалга оширмоқдамиз. Эндиликда харид учун савдо шохобчаси, «Минимаркет» ёки «Супермаркет»лар-

#### Янгилик

## ДАВР БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Алишер Навоий номдаги Самарқанд давлат университети «Фаоллар мактаби — 2014» иштирокчиларининг шиори шундай.

— Биз ҳам вақтида талаба бўлганмиз. Кишки, ёзги таътиллarda ё уйимизга, имкониятимиз кўтарса, курсдошимиз билан қўшни вилоятлардан бирга борардик. Лекин Тошкентга келиб, адабиёт, маънавият, матбуот, маданият, санъат намояндalари билан учрашишни истасак-да, ўша пайтларда бунинг илоҳи йўқ эди... Талабалар билан учрашувга келган ёши улуг устозлар шу фикрни билдиришди.



Ойтўла АБДУРАИМОВА, табиий фанлар факультети 3-курс талабаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси:

— Президентимиз биз ёшларга қарата эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи деган эди. Бу ишонч зиммамизга катта масъулият юклайди. Демак, биз, энг аввало, яхши ўқишимиз, чет тилларини ўрганишимиз, спорт билан шуғулланишимиз керак.

«Фаоллар мактаби»да «Истиқбол» ёшлар қанотининг 25 нафарга яқин аъзоси иштирок этмоқда. Учрашув ва семинар-тренинглр уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабатини билдириш, фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилади.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

га оширишга имкон қадар ҳаракат қилдик.

— «Фаоллар мактаби»ни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, ёшларни мамлакатимиз пойтахтида бўлаётган бунёдкорликлар, янгиланишлар билан таништириш, фан ва маданиятимиз намояндalари билан мулоқоти ташкил этишдир, — дейди **иктисодий факультети 4-курс талабаси Шохрух Жўрақулов**. — Тадбирлар давомида «тенгдош-тенгдошга», «ёшлар-ёшларга» шиори остида талабаларнинг ўзаро фикр алмашувлари уюштирилди. Шунингдек, «Раҳбарлик-Нутқ маданияти ва нотиклик», «Мулоқот психологияси», «Муваффақиятлар зина-пояси» каби мавзуларда интерфаол усуллардаги семинар-тренинглр, давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

— «Фаоллар мактаби»нинг ҳар бир куни унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди **филология факультети 2-курс талабаси Малика Жумазода**. — Айниқса, Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Баситханова билан бўлиб ўтган учрашув бизда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Ўзбекистон тарихи давлат музейини томоша қилдик. У ердаги экспонатлар билан танишар эканмиз, Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сўзлари маъносини янада чуқурроқ ангадик. «Бунёдкор» стадионига ҳам бордик. Мазкур спорт иншоотини кўриб ҳайратландик. «Куролли Кучлар музейи»да давлатимизнинг ҳарбий куч-қудратига гувоҳ бўлдик.

Бизга шундай шароитлар яратиб бергани учун университетимиз раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдиришмоқчиман.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасига борадиган кунимизни сабрсизлик билан кутдим, — дейди **механика-математика факультети 2-курс талабаси Жаҳоир Эргашев**. — Мен ҳам келажакда депутат бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишни, одамларга нафим тегишини истайман. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари билан бўлиб ўтган мулоқотимизда баҳс-мунозара, савол-жавоблар бўлиб ўтган учрашув бизда катта таассурот қолдирди.

механизмлари хусусида суҳбатлашдик.

Бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш керак, деб ўйлайман.

— Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса» асарига асосий қаҳрамонлар ёшлардир, — дейди **педагогика факультети декани, доцент Тохир Қурбонов**. — Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Меҳро, Баҳром, Шопур, Меҳриноз, Дилором каби образлар мисолида Навоий ёшларнинг жамиятда тутган ўрнини кўрсатмоқчи бўлган. Улуг шоир даврнинг долзарб масалаларини айнаган ёшлар ҳал қилишига ишонган. Ватанпарвар, мамлакат ва миллат манфаатлари йўлида курашадиган навиқрон авлодининг сафи кенг бўлмоғини орзу қилган...

Бир ҳафта кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Лекин мана шу вақт ичида олинган маънавий куч, руҳий юксаклик, буюк орзу ва истакларнинг тугилиши, ишонч, умид ёшлар қалбида бир умрга қолади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, маррани доимо баланд олишимиз керак. Давр бизники, марра бизники!

Нурали ОРИПОВ

Бугун эса давр бошқа. Президентимиз томонидан мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик улар қалбида Ватанга муҳаббат, эртанги кунга ишонч уйғотмоқда. Орзу-ниятларига қанот бағишламोқда.

Самарқанд давлат университети 70 нафар талабасини бирлаштирган «Фаоллар мактаби» ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида анъанавий тарзда Тошкент шаҳрида ўтказиб келинаётган «Фаоллар мактаби» машғулотлари унинг иштирокчилари қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.

— Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг баш мақсади — етук кадрлар тайёрлашга қаратилган, — дейди **СамДУ маънавият-маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Субҳон Аббосов**. — Талаба-

ларнинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Фаоллар мактаби»нинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Унда қатнашиш истагида бўлган йигит-қизларнинг кўпчилиги улар орасидан энг иқтидорлиларини танлаб олиш имконини беради. Бу йил биз фаолларни асосан биринчи ва иккинчи курс талабалари орасидан саралаб олдик.

Ўтказилган ҳар бир учрашув, семинар-тренинг ва давра суҳбатларини талабалар ўз гуруҳларида муҳокама қилиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, «Фаоллар мактаби» яқунланган, ҳар бир талаба курсдошлари орасида ҳам ана шундай тренинглр ўтказиш режалаштирилган.

Зеро, бир ҳафта давомида ўрганган билимлари ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамият-лидир. Бугунги кунда университетимизда амалга оширилаётган ушбу тажрибага бошқа олий ўқув юрталари ҳам қизиқиш билдиришмоқда.

— Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси таълим муассасаларидаги ҳар қандай янгиллик ва ташаббусни қўллаб-қувватлайди, — дейди **СамДУ қасаба уюшма кўмитаси раиси, доцент Шавкат Маҳматмуродов**. — «Фаоллар мактаби»нинг бу йилги машғулотлари юқори савияда ўтказилди. Ташкил этилган саёҳат, учрашув ва мулоқотлар режаси асосан талабалар тақлифига кўра тузилган. Кимдир келажакда депутат бўлмоқчи. У Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар билан учрашишни истайди. Бошқа талаба шоир, ёзувчи, журнали бўлишни хоҳлайди. У таниқли ижодкорлар билан суҳбатлашишни орзу қилади. Биз ана шу истакларни амал-

### Спорт

## Ёш боксчиларимиз Осиё чемпионатида

Шу кунларда Банкок (Таиланд)да бокс бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда. 1996-1997 йилларда турилган ёшлар 10 вазн тофасида голиблик учун кураш олиб боришяпти.

Мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини Бекзодбек Турсунбоев (49 кг.), Абдулхай Шораҳматов (52 кг.), Иқболжон Холдо-

ров (56 кг.), Фазлиддин Мелибоев (60 кг.), Маҳмуд Фоилов (64 кг.), Бектемир Мелиқўзиев (69 кг.), Козимбек Мардонов (75 кг.), Азиз

Шуқуров (81 кг.), Асилбек Солиев (91 кг.) ва Шохруҳбек Эркинов (+91 кг.) ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, қитъа чемпионатида ҳамюртимиз Раҳматхон Тиллаев ҳакамлик қилаяпти.



Шуқуров (81 кг.), Асилбек Солиев (91 кг.) ва Шохруҳбек Эркинов (+91 кг.) ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, қитъа чемпионатида ҳамюртимиз Раҳматхон Тиллаев ҳакамлик қилаяпти.

## Ғолиб ва совриндорлар аниқланди



Футбол бўйича Уммонда ёшлар (U-22) ўртасида илк маротаба ўтказилган Осиё чемпионати нихоясига етди.

Мусобаканинг учинчи ўрин учун кечган баҳсида Иордания — Жанубий Корея футболчилари ўзаро куч сынашди. Учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтларида ҳисоб очилмади — 0:0. Пенальтилар сериясида эса иорданияликларга омад кулиб боқди — 3:2.

Финалда Саудия Арабистони — Ироқ ёшлар терма жамоалари майдонга тушди. Унда ягона гол ироқлик футболчиларга ғалаба келтирди — 0:1.

ОФК қарорига кўра, мазкур мусобақа ҳар икки йилда ўтказилади. 2016 йилда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионати Рио-де-Жанейро (Бразилия)да ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия уйинлари йўлланмалари соҳибларини аниқлаб беради.

Эркин ХОЛБОБО

### Тадбир

## Муҳим вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган йигилишда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда Республика Хотин-қизлар кўмитасининг қорхона, идора ва ташкилотларида, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 40 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур анжуманда бошланғич ташкилотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, кўмита раисларининг тизимда бўлаётган узғаришлардан хабардорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг устувор жиҳатлари ҳамда Соғлом бола йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Айнан оилада ҳалоллик, меҳнат-севарлик ва ахлоқий-маънавий меъёрлар шаклланади, шу мақсад-

да кенгаш томонидан қатор режалар ишлаб чиқилди ва бу ишлар ҳозирда амалга оширилмоқда.

Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, оила фаровонлигини таъминлаш лойиҳаси асосида аёллар малакаси оширилиши ва уларнинг имтиёзли микро-кредитлар олишига ёрдам кўрсатилди.

Хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар, чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, қишлоқ аёлларига муносиб шароит яратиб бериш ва улар меҳнатини энгиллаштириш мақсадида мамлакатимиз қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмлари эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилди. Олиб борилаётган ушбу ислохотлар мамлакатимизда маънавий соғлом ва юксак маданиятли, тотув ва барқарор оилалар сафини кенгайтирмоқда.

Альбина ЖУМАНОВА

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHIRIR HAY'ATI:**

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**BO'LIMLAR:**

Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83.

**MANZILIMIZ:**

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etiladi. Korxonada manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160  
21183  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 21.30  
Toshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5

Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоятида шоир ижодига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

## Шоирга эҳтиром

Термиз шаҳрида ёш ижодкорлар билан ўтказилган учрашувда мустақиллик йиллари миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлар меҳнати муносиб қадрланаётгани алоҳида қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ҳам ана шу юксак эътиборнинг амалий намуналаридан биридир.

Нафис ва бетакрор бадиий асарлари билан тинч, фаровон Ватанимизни, унинг тўзал табиати ва халқимизнинг миллий қадриятларини тараннум этган Мухаммад Юсуф ижоди, айниқса, ёшлар орасида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Ментпор Олломуродов. — Вилоятда шоир таваллудининг 60 йиллик юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Маннон Уйгур номидаги вилоят мусиқали драма театри, Термиз давлат университети ва Денов туманида танқиди шоир ва санъаткорлар билан учрашувлар танқиди этишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Айни кунларда воҳадаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактабларида, маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида танқиди этилаётган давра суҳбатлари, учрашув ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар кўтаришга руҳда ўтказилмоқда.

**X. МАМАТРАЙIMOV,**  
ЎЗА мухбири.